



СССР УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА,
ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48-йил чиқиши
№ 157 (12.811).
8 июль 1964 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Скандинавия мамлакатларига қилинган сафар тўғрисида Москва радиоси ва телевидениеси орқали ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар! Скандинавия мамлакатларига — Дания, Швеция ва Норвегияга қилган сафаримиздан яқиндагина қайтиб келдик. Биз Скандинавияга мазкур мамлакатлар ҳукуматларининг таклифига биноан, расмий визит билан борган эдик. Бизнинг бу сафаримиз Дания бош вазири Е. О. Крагнинг, Швеция бош вазири Т. Эрландернинг ва Норвегия бош вазири Э. Герхардсеннинг Совет Иттифоқига қилган визитларида жавоб бўлди.

Скандинавияга қилган сафаримизга уч ҳафтача вақт кетди. Шу мамлакатларнинг ҳар қайсида беш кундан туриб, мазкур мамлакатлар халқлари турмушининг баъзи жиҳатлари билан танишиб, бош министрлар билан ҳамда бошқа давлат ва жамоат арбоблари билан фойдали ва ошқора суҳбатлар ўтказиш имкониятига эга бўлдик. Биз шу давлатлардаги савдо-саноат доираларининг намоёндалари билан, турли партияларнинг раҳбарлари билан учрашдик. Скандинавияда халқро аҳволга доир, шунингдек мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларига доир жуда кўп масалалар устида суҳбатладик. Бу — фойдали суҳбатлар бўлди, бу суҳбатлар бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ билиб олишимизга имконият берди. Шу нарса ҳам маълумки, мамлакатлар бир-бирларини яхшироқ билсалар, бундай ҳолда улар ўртасидаги муносабатлар ҳам хийла мустаҳкам бўлиб қолади, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳида ўтади.

Моддий боёқларини яратётган ишчилар билан, меҳнат ахллари билан ўтказилган учрашувлар бизда катта таассурот қолдирди. Биз Дания ва Швециядаги кемеасосли корхоналарини, Швециядаги металлургия заводини ва Норвегиядаги энг катта химия комбинатини бориб кўрдик. Шу корхоналарда ишчилар билан қилган суҳбатлар ўрнатилган ҳарактерли ўтди. Биз Дания ва Швеция фермерлари билан ҳам учрашдик.

Шу мамлакатларнинг ҳар қайсида бир неча кундан турган вақтимизда халқнинг турмушини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб олиш қийин эканлиги табиийдир. Лекин шунинг айтиш мумкинки, қилган сафаримиздан кейин энди скандинавияли яхшироқ билиб олдик, улар эса, ўз навбатида, Совет Иттифоқи, унинг турмуши ва ютуқлари тўғрисида, унинг яқин ва ташқи сиёсати тўғрисида, совет халқининг келажакда мулкдорларнинг планлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб олиш имкониятига эга бўлдик.

Скандинавияда бизни ҳамма жойда хурсандлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Скандинавиялар, шимоллий мамлакатларнинг халқлари, иссиқ туйғу ва жўшқин характерга эга бўлмаган ишчилар деган фикр бор. Бизда бошқача таассурот туғилди. Бизни ўзларининг яхши кўшилири каби илтифот, самимият билан кутиб олишди. Биз ҳам буни Скандинавия мамлакатлари халқларининг Совет Иттифоқи халқларига бўлган дўстлик ҳисларининг жонли кўриниши деб ҳисобладик.

Дания ва Норвегия мамлакатларининг немиш-фашист босқинчилардан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет солдатларининг хотирасини шу мамлакатларда муқаддас билиб сарғаймоқда.

Ҳақоний иш учун олиб борилган жангларда ўз жонини қурбон қилган жангчиларнинг қабрлари гулчамбарлар қўйилганда чуккур ҳақоний даққаларини бошимиздан кечирдик. Биз мазкур мамлакатларда Совет мамлакатларининг халқларига, унинг мард жангчиларига, норвеглар ва даниялар билан ёнма-ён туриб умумий душманга — гитлерчилар фашизмга қарши жанг қилган совет кишиларига нисбатан чуккур миннатдорчилик борлигини ҳис қилдик. Қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари билан, фашистлар асригидан қочиб қутулган совет офицерларини ва солдатларини қутқариб қолиш вақтида ўз жонини аямай мардлик кўрсатган кишилар билан ўтказган учрашувларимиз ҳақиқатан таъсирли ва сазимий учрашувлар бўлди.

Сизга, ўртоқлар, матбуотдан шу нарса маълумки, албатта, яқинда СССР Олий Совети Президиуми Дания ва Норвегия граждандаридан бир гуруҳини совет ҳарбий хизматчиларини қўтариб қолиш вақтида кўрсатган мардликлари ва жасоратлари ҳамда уларга Улуғ Ватан уруши даврида кўрсатган ердاملари учун орденлар ва медаллар билан мукофотлади.

Скандинавия мамлакатларида бизнинг бўлишимиз дания, норвеглар ва шведларнинг тинчликини сақлаб қолишга, Европанинг шимолини тинчлик зонасига айлантиришга иштирокчилари нақадар зўр эканлигини бевосита ҳис қилишимизга имкон берди.

Турли сиёсий масалалардаги кишилар билан, аҳоли турли табақаларининг намоёндалари билан учрашиб суҳбатлар ўтказганлигимизни таъкидлаш мумкин. Тинчлигини сақлаб қолиш, янги ҳаётни уруши хавфининг олдини олиш масалалари ҳамма суҳбатларда тилга олинган муштарак ва асосий масалалар бўлди.

Совет Иттифоқи ва Скандинавия мамлакатлари турли социал системаларга мансуб мамлакатлардир. Биз социалистик мамлакатимиз, Дания, Швеция ва Норвегия капиталистик мамлакатлардир. Ҳар бир капиталистик мамлакатда бўлган каби мазкур мамлакатларда ҳам социал теңсизлик, ўткир синфий зиддиятлар мавжуддир. Даниядаги кемеасосли корхонаси ишчиларининг митингида сўзлаган нутқим эсимга тушиб қолди, ўша митингда ишчилар билан корхона ағалари ўртасидаги муносабатларнинг баъзи масалалари тилга олинди. Ўзларининг ҳаётий ҳуқуқлари ва социал тараққиёт учун курашда ҳали кўп иш қилишлари керак бўлган синфдош қардошлар деб ишчилар қилган мурожаатим ишчиларнинг юрагини нақадар тўлақандитиб юборганлигини кўрсатди, бу нарса сизда ажиб таассурот қолдирган бўлур эди.

Скандинавия мамлакатларининг раҳбар арбоблари билан ўтказилган суҳбатларда улар билан биз келишмаётган баъзи сиёсий ва идеология масалалари тилга олинди.

Бироқ, мен проблеманинг бу жиҳатига чуқур тўхташмоқчи эмасман. Биз мазкур мамлакатларга давлат визити билан бордик ва халқро муносабатларга доир масалаларни муҳофаза қилдик. Ҳар бир халқ қандай социал система ўзига кўпроқ мос бўлиб тушувини қанчалик билиши лозим, деган фикрга асосланиб, Совет Иттифоқи бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципти қатъий амал қилиб келмоқда. Суҳбатлар вақтида биз Дания, Швеция ва Норвегияда ҳукумат бошқаруви билан турган социал-демократларнинг коммунистларга айлантирилиши ҳақида ҳам келишимиз йўқ, албатта. Улар ҳам биз, коммунистлар, социал-демократларнинг эътиқодини қабул қиларми, олмастикларини яхши тушунадилар.

Данияда бўлган йилгишларнинг бирини менга, сизлар социал-демократик партиялар билан алоқалар бўлаётган қандай қарайсан, деб савол берди. Бу саволга мен, бизнинг Коммунист партиямиз ишчилар синфининг, ишчилар синфи барча отрядларнинг ва умумий ташкилотларнинг бирлиги учун курашди, деб айтдим. Меҳнат қиларининг ўз ҳаётий ҳуқуқлари учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашда бундай бирлик жуда катта роль ўйнайди. Тинчлик учун олиб бораётган курашда коммунистлар, социал-демократлар, барча ҳолис ишчи кишиларнинг куч ва гайратларини бирлаштириш керак.

Дания ва Норвегия ҳукуматларининг, ўз мамлакатларининг территориясида ядро қурулиши қўйлаштиришга йўл қўймади ва бизда бундай ният бўлмади, деган гапларига хайрихоҳлик назари билан қарадик. Дания ва Норвегия ҳукуматларининг НАТОнинг кўп томонлама ядро қурашда қатнашганидан бош торттиларми ё раёнда тинчлик ишчи мустаҳкамлашга, ҳеч шубҳасиз, ёрдам беради. Бу — тинчлигини, шу жумладан Европанинг шимо-

лидаги тинчлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган жиддий ҳиссасидир.

Денан, албатта, шу фанга ҳам етарли баҳо бермаслик мумкин эмаски, Скандинавия мамлакатларида НАТО ҳарбий блокнинг планларини қувватлаётган ва шу билан бирга хийла нуфузли бўлган кучлар бор, бу блокнинг фаолияти тинчлигини мустаҳкамлаш вазифасини асло қўзлаётгани йўқ.

Бироқ, тўла асосга эга бўлган ҳолда шунини айтиш мумкин, турли социал тўзумдаги давлатларнинг тинч-тотув ишчи принциплари турли социал тўзумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар асосланиши лозим бўлган реал негиз деб эътироф қилинмоқда ва бу нарса қўшма ахборотларда ҳам ўз ифодасини топди.

Скандинавия мамлакатларидаги давлат арбоблари ҳам, жамоатчиликнинг намоёндалари ҳам бизнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини ва яхши кўшилирига муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирганларида тинчлигини ва халқро хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига Совет Иттифоқи қўшаётган катта ҳиссани ҳамма ўқитиб ўтди.

Ўз навбатида биз ҳам Совет Иттифоқи билан Скандинавия мамлакатлари ўртасида вуқудда келган муносабатлар тинч-тотув яшаш принципларини амалдаги реал ифода си эканлигини айтдик ва буни яна бир марта таъкидладимиз. Бизнинг иқтисодий муносабатларимиз яхшиланиб бормоқда, савдо-сотиқ муваффақиятли ривожланмоқда, маданий, илмий-техника алоқалари кенгайиб бормоқда. Кейинги йилларда давлат йўли билан қилаётган алоқаларимиз хийла кучайиб кетди. Бизнинг қилган сафаримиз бу алоқаларни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, деган фикрламиз.

Шунинг айтишим керакки, учрашувлар ва суҳбатлар вақтида Дания, Швеция ва Норвегиянинг ҳукуматлари ҳам, савдо-саноат доиралари ҳам иқтисодий ҳамкорлиқ ва савдо-сотиқ янада ривожлантиришга гоят қизиқдилар. Улар узоқ мuddатли битимлар тузишда ўзларининг маффақат эканлигини кўрсатмоқдалар, биздан заказлар олишни истамоқдалар, шу заказлар асосида корхоналар узоқ вақт иш билан таъминланган бўлур эди. Бу нарсада Европа бозоридagi конъюнктуранинг беқарорлиги, яна бунинг устига Америка, Англия, Ғарбий Германия фирмаларининг ва бошқа фирмаларнинг ўсиб бораётган конкурентлиги ўзини сездираётганга ўхшайди. Савдо-саноат доираларининг намоёндалари ўзлари учун Совет Иттифоқининг белгиланган қўшма ахборот эканлигини яхши билдилар ва шунинг учун ҳам биз билан иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга интиломоқдалар.

Дания, Швеция, Норвегия савдо-саноат доираларининг намоёндалари бизнинг мамлакатимиз билан қилинаётган савдо-муносабатларининг чуқур томирлари борлигини таъкидламоқдалар. Ўша мамлакатларда ҳозирги савдо-саноат доиралари намоёндаларининг ота-лари ва бо-солари ҳам Россия билан савдо-сотиқ қилганлигини ва бу савдо-сотиқнинг давом эттириш ҳамда ривожлантирилиши ва савдо-сотиқ қолдирганлигини менга неча мартадаб айтишди. Кўпгина фирмаларнинг вакиллари, Совет Иттифоқи билан иқтисодий алоқада бўлиб кетганлигимиз ва бу алоқаларни давом эттираётганлигимиз учун ҳам ишшимиз яхши бораётди, дейишди.

Шунинг айтишим керакки, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун бизда катта имконият бор: бизда Скандинавия мамлакатларига етказиб берадиган моллар бор, шу билан бирга Скандинавия мамлакатларида ҳам бизни қизиқтираётган бир қанча моллар бор.

Данияга қилган сафаримиз вақтида, ҳозир Данияда илгари тузилган битимларга мувофиқ қўрилатган кеме-лардан ташқари, Совет Иттифоқи яна тўртта рефрижератор нема етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзо-ланди. Совет Иттифоқининг баъзи қишлоқ хўжалик мол-

ларини 1964 йилда қўшимча миқдорда харид қилиб олиш тўғрисида ахдлашиб олинди. Совет молларини Данияга сотишни кўпайтириш назарда тутилиб, бунга розилик берилди.

Совет—Швеция савдоси учун тағин ҳам стабилроқ негиз яратиш мақсадида Швецияда узоқ мuddатли — беш-олти йилга мулкдорлар — шартнома тузиш имконияти-ни кўриб чиқиш тўғрисида битимга келинди.

Шунинг айтиш мумкинки, Швеция ҳукумати ҳам совет молларини харид қилишни, шунингдек Швеция мол-ларини Совет Иттифоқида сотишни кўпайтиришга розилик билдирди. Биз газ қувурлари ва нефть қувурлари қуриш учун керакли труба-ларни яна Швеция корхоналарига за-каз қилишга тайёр эканлигимизни айтдик.

Ғарби совет саноати ўзининг зарур труба-ларни кўп миқдорда ишлаб чиқараётган бўлса ҳам, биз швед труба-ларини харид қилишни давом эттири берамиз. Шведлар-нинг ўзлари асосан совет заказларини бажармоқ учун махсус завод қураганлигини бизга айтишди. Маълумки, Совет Иттифоқидаги труба-лар етказиб беришни сиёсий са-бабларни вақт қилиб тўхтатишни талаб этган НАТОдаги муайян доираларнинг таъйини ўз вақтида шведлар уч-мадилар. Бошқа мамлакатларда баъзи бир кимсалар бу таъйини беришлар билан ва энди улар бунга пушаймон қи-лаётган бўлсалар керак. Шведлар эса ўзлари биз билан тузган шартномаларни ҳалол бажаришди. Биз ҳам уни қадрлаймиз.

Норвегия—Совет Иттифоқи билан чегарадош мамла-кат. Чегарадош Пасвик дарёсининг энергетика ресурслари-ни тақсимлаш тўғрисида биз у билан битим тузганмиз. Биргаликда куч ва гайрат сарфлаш натижасида мазкур дарёда Борисоглебская гидроэлектростанцияси қурилади. Бу электростанцияни қуришда қилган ҳамкорлигининг иккинчи таърибасини ҳисобга олиб ва бизнинг сафаримиз вақтида норвег томони мурожаат қилганлиги муносабати билан биз ўша дарёда янги электростанцияни қуришда норвег фирмаларининг иштирок қилишга розилик бердик. Ўш бошқа бир қанча соҳаларда ҳам ҳамкорлигини кенга-йтириш имкониятини муҳофаза қилишга рози бўлдик. Ари-тика шартномидagi қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасида эришган таърибларини ва илмий ютуқларини айирбашлаш фойдали деб топилади.

Табиийдирки, барча иқтисодий, савдо муносабатлари ўзаро манфаатли асосга қурилади. Кези келганда шунинг айтиш керакки, Скандинавияда бўлган вақтимизда биз индустриямиз ишлаб чиқараётган саноат ускуналари ва бошқа ускуналарни, буюмларни сотиб олмақ учун Совет Иттифоқида кўп заказлар бериш мумкинлигига мазкур мамлакатлардаги савдо-саноат доираларининг эътиборини жалб қилдик.

Энди менга шу мамлакатларнинг ҳар қайсида қу-рган нарсаларимиздан олган таассуротларимизни қисқача айтиб ўтишга йўқоат бераёйсиз.

Биз сафаримизни Данияни бориб кўришдан бошладик. Дания — қишлоқ хўжалиги, айниқса сўт қорвачилиги юк-сак даражада ривожланган мамлакат. Кейинги даврда у индустриал мамлакат тариқасида ҳам актив ривожла-моқда.

Фюн оролин бориб кўриш бизда гоят катта таассурот қолдирди. Бу оролин Даниянинг боғи дейишди. У ерда биз Дания халқининг қишлоқ хўжалигини юртишдаги катта ютуқлари билан танишиб имкониятига эга бўлдик. Биз жуда яхши ишлаб қўйилган дала-ларни, топ-тоза ва теп-текис бўлиб ўсган дон экинларини кўрдик. У ерда қишлоқ хўжалиги юк-сак даражада кўтарилган. Дания-лар, масалан, дон экинларининг ҳар бир гектаридан 30-40 центнер ва ҳатто 50-60 центнер ҳосил олмақдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

Замна ФРОНТИДА

Ўзбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1964 йил 7 июлда бўлган
МАЪЛУМОТ
(Маъжуратга нисбатан процент ҳисобидан)

Областлар	Масвумда	Вир кунда
Сирдарё	56,7	3,1
Қашқадарё	56,5	4,0
Андижон	46,6	2,0
Сурхондарё	41,6	2,1
Фарғона	41,4	2,7
Бухоро	30,3	2,9
Тошкент	28,4	2,9
Самарқанд	19,9	2,2

1000 ТОННА ДОН ТОПШИРИЛДИ

НАГОРНАЯ, («Совет Узбекистони» мухбири). «Каттақўрғон» совхоз каллаларидан 31 комбайн мавлон урилти. Кейинги бир ҳафтада 2500 гектар ердаги арпа хо-сиди ўриб-ёнгиб олинди. Давлат ми-нинг тонадан кўп дон топирилади.

Комбайнларнинг унушли иш-лаш учун ҳар бир агрегатга ик-ки-тадан автомашина, биринчи-дан, Машиналар комбайн букири-дан тушган донни пешна-пеш та-шиб турибди. К. Тиллаев, Ф. Го-зиев каби комбайнчилар ўрим нормасини ошириб бажарётир-лар. Совхоз коллективни ҳамма дон ҳосилини 24 иш кунинда ўри-б, ёнгиб олиш ва давлатга 3400 тон-на дон сотиш планини тез кунда бажариш учун суъятини кучай-тирмоқда.

Л. ЭРГАШЕВ.

Сирдарё областидаги «Ударник» совхози дала-ларида мўл галла ҳосили етиштирилади. Суратда: старший комбайнчи А. Қиличбоев бошлик агрегат ўрим-ёнгимда. Унга янчилган дон машиналарга ортилмоқда.

А. Абальян фотолари.

ҳам гўзани сугоришда икки хил таърибдан фойдаланамиз.

Таърибда шунинг кўрсаткичидан, ер ости сувлари юза мойлашган майдондаги кўчатлар тулроқ қан-ча қизилса, шунча тез ўсади. Ҳа, бундай кўчатлар иссиқлик ўч бў-лади. Шунинг учун ҳам бундай кўчатларнинг ағзаларини чуқур пушта қилиб олиб қўямиз. Нами-ни ётган тулроқ шамоллариди, гурт-губор нўрилариди. Саратон ҳароратидан тулроқ роса қўйил-ди.

Борди-ю, ана шундай майдонга сув эрта берилса, оқин сув ер о-сти сувлари билан қўшилиб, ер захлаб кетади. Тулроқ нопла-лаш, ўсимлигининг илдизини учун за-рур бўлган ҳаво ва иссиқлик на-майдон. Гўза саргайиб кетади. Ўсмадан тўхтайдми. Биз бунга асло йўл қўймаймиз.

Ер ости сувлари чуқур мойлаш-ган майдондаги гўзаларни суг-ориш айниқса эътиборликини та-

Набижон ота ҚОБИЛОВ,
Андижон области, Қўрғонтепа
бошқармасидаги Куйбишев номи
колхозининг некса суъчиси.

лаб қилди. Чунки, ана шундай майдондаги кўчатлар икки-уч кун кечикиб сугоришга, қилинган ме-ҳнат зое кетиб қолиши мумкин. Бригаданида 14 таърибали су-вчи доимо кўчатларни назорат қи-либ боради.

Ниҳолларни сувга қаңиб қўй-маслик мақсадда эгарт оралиб-сав тартиб, тулроқни аста-секин намиқтириб бораёلمиз. Шундай қилинганда сув таралмаган қатор оралири ҳам бир меъёрга текинс намлаланди. Тулроқ доим юмшо-қ бўлиб туради. Ўз-ўзидан маълум-ки, ана шундай энглашмаган юм-шоқ тулроқда илдиз эркин ўсади.

Усимлик говаб кетмайди. Кўчат-нинг ластки қисмларидаги шока-лар тўқилмайди. Бундай кўсаклар етилиб, эрта очилади. Пахтаки ма-шинада териш қулай бўлади.

Ҳозир азотли, фосфорли ўғит-ларга майдонларга гўнг аралашти-риб гўзани озиклантиряймиз. Ай-ниқса ҳаво бу йилгидай бир оз нуқулга келган шартинда гўнг со-лиш айниқса зарурдир. Биз ана шундай майдонларга азот, фос-фор ва гўнг аралашмаси бериб, орадан озгина вақт ўтгач, сув та-райимиз.

Лекин, озиклантирдик, сув бер-дик, деб хотиржам қололмаймиз. Бригаданининг ҳар бир аъзоси ҳосил тақдирини учун курашди. Коммунист механизаторлардан Иб-роҳимжон Тошматов, Мўминжон Йўлдошевлар сувчилар билан ён-маён туриб ҳалол ва баранали меҳнат қилляптилар. Сугорилган майдон оби тобида нултивация қилинмай, оқариб кетадиган бўл-са, ўғитнинг қуввати ва қилинган

меҳнат беқорга кетишини улар яхши билдилар.

Шунинг учун ҳам улар ер ети-лиши билан узунасига ва кўнда-лангига сифатли нултивация қи-ляпти. Бундай қилинганда тул-роқда нам сақлаб қолинади. Оби тобида юмшатишган тулроқ тез қизийди. Қарабсизки, тулроқда ўсимлик ҳаёти учун керакли бўл-ган нам, озунга, ҳаво етарли. Шун-дай қилиб, биз гўзани қулай му-датда сугориш билан уни тез гул-га киритиб олдик.

Колхозимиз бу йил 1528 гектар ерга чигит эккан. Ҳар гектар ер-дан 30 центнер ҳосил кўтаришга ахд қилганмиз. Шу кунларда дала ишлари қизғин. 150 таърибали суъчи гўзани сувга қондирмоқда. Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзе-кистон Компартиясининг 40 йил-лиги нишонланар экан, биз ана шу тўйга улан хирмон нўриб, яхши тўёна тайёрланмиз, албатта.



